

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АХАМИЯТИ

Камилова Гулмира Алимовна,

Бухоро давлат педагогика институти, мактабгача таълим кафедраси профессори в.б, н.ф.н.

<https://doi.org/10.53885/edinres.2024.2.2.026>

Аннотация : Атроф-олам муҳофазаси бугунги кунда жуда ҳам долзарб муаммо бўлмоқда. Шу боисдан мактабгача ёшдаги болаларда экологик маданиятни ривожлантиришида паремик жанрлар муҳим вазифани бажаради. Мақолада паремик жанрлар ҳақида қисқача маълумот берилади.

Калит сўзлар : Мактабгача таълим, топишмоқ, мақол, афоризм, эртак, паремик жанрлар, табиат, экология, тадқиқий-билиши.

Аннотация: Защита окружающей среды является сегодня очень актуальной проблемой. Поэтому паремические жанры играют важную роль в развитии экологической культуры у детей дошкольного возраста.

Ключевые слова: Дошкольное образование, загадка, пословица, афоризм, сказка, паремические жанры, природа, экология, исследование-познание.

Abstract: Environmental protection is a very pressing issue today. Therefore, paremic genres play an important role in the development of environmental culture in preschool children.

Key words: Preschool education, riddle, proverb, aphorism, fairy tale, paremic genres, nature, ecology, research-cognition.

Мактабгача таълим ташкилотининг барча гурӯҳ болаларида машғулотлар, байрам ва тадбирлар, сайр ва эккурсиялар, табиат қўйнида мҳнат қилиш ва ўйнаш жараёнларида турли хил паремик жанрлардан фойдаланилса табиат ҳақидаги маълумотлари янада кенгаяди ва табиатга меҳри ошади.

Атрофдаги нарсаларга эътиборли бўлади. Табиат бойликларини айниқса сувни тежаш муҳимлигини билиб олади.

Паремик жанр намунаси ҳисобланмиш топишмоқлар болалар учун қизиқарли ақл ўйини ҳисобланади. Улар нафақат мактабгача таълим ташкилотида балки уйда ота-оналари, ақа, укалари билан ҳам топишмоқ айтишни яхши кўрадилар. Топишмоқ жавобини топсалар “шаҳар” берадилар ёки бирор топшириқни бажарадилар.

Мақолларда эса ахлоқий қараш ва меъёрлар мавжудлиги сабаб ота-оналарнинг мақол айтиб беришлари жоиздир. Мақолларда ҳам табиат ва меҳнатсеварликка оид ахлоқий ғоялар ётади. Шулар орқали ҳам болаларда табиатга нисбатан меҳрли бўлиш ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш сифатлари тарбияланиб боради.

Афоризм ва эртакларда ҳам ватанпарварлик, табиат гўзаллигидан завқланиш билан бир каторда уни эъзозлашлари, тасаввур ва билиш психик жараёнлари ривожланиб боради. Болаларда донолик., зукколик сифатлари такомиллашиб боради.

Мактабгача таълим ташкилотларида табиат билан таништириш машғулотлари ва Фан ва табиатшунослик /экология фаолиятлари кузатилди. Шу билан бир қаторда “Илм фан ва табиат” марказида ўтказилган тажрибалар ҳам кузатилди, турли хил топшириқлар берилди, тарбияланувчилар билан сұхбат ва сўровномалар ўтказилди. Болалар учун берилган топшириқлар тузилган 5 та мезон (паремик жанрлар маъносини тушуниши; паремик жанрларнинг табиат ва экологияга оидлигини билиши; паремик жанрлар орқали экологик тушунчаларни англаб етиши; экологик маданият тушунчаларини билиши; табиат оламига бўлган муносабатини аниқлаш) ларга асосланган ҳолда бир қатор топшириқлар ишлаб чиқиш вазифа сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Болаларнинг паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантиришнинг шаклланганлик даражасини аниқлашда уларнинг қўйидаги билим, кўникма ва малакаларига эгалигига эътибор қаратилиши лозим. Булар :

- болаларнинг паремик жанрлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши;
- кичик ҳажмдаги паремик жанрлар маъносини тушуна олиши;
- тарбиячи, ота-оналар томонидан топишмоқ, эртакларнинг ўқиб берилиши натижасида болаларда паремик жанрлар ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- паремик жанрлар, табиат ва экология ҳақидаги сухбатларда иштирок этиш;
- топишмоқлар мавзусида “Топган-топалоқ” ўйинларида иштирок этиш;
- табиат ва экология мавзуларида ўтказиладиган тадбирлар ва байрамларда иштирок этиш;
- кичик топишмоқларни ёд олиш;
- тарбиячи-педагоглар ва ота-оналардан топишмоқ, мақол ва эртакларни ҳикоя қилиб беришларни кўпайтириш;
- табиат ҳодисалари, ҳайвонлар, мевалар, сабзавотлар, гуллар ва қушлар ҳақидаги топишмоқларни билиши;
- табиат ҳодисаларини бир-биридан фарқлай олади;
- табиий бойликлар ва уларни тежаш, унумли фойдаланишни билади ва бошқалар

Мактабгача ёшдаги болаларда паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга қаратилган жараённинг мазмун моҳиятини белгиловчи маҳсус методикани ривожлантириш тадқиқот учун танланган муаммони ҳал қилишга асос бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларда паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришда “Илк қадам” Давлат ўқув дастурининг тўртинчи боби “билиш жараённинг ривожланиши”, “Тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият” кичик соҳасида турли хил қизиқарли бўлган технологиялардан фойдаланиш самара бериши ҳақида хулоса қилишимиз мумкин Мактабгача таълим ташкилотларида табиат билан таништириш машғулотлари, Фан ва табиатшунослик /экология фаолиятлари кузатилиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир қаторда “Илм фан ва табиат” марказида ўтказилган тажрибалар ҳам кузатилди, турли хил топшириқлар берилди, тарбияланувчилар билан сухбат ва сўровномалар ўтказилди. Болалар учун берилган топшириқлардан тузилган 5 та мезон (паремик жанрлар маъносини тушуниши; паремик жанрларнинг табиат ва экологияга оидлигини билиши; паремик жанрлар орқали экологик тушунчаларни англаб етиши; экологик маданият тушунчаларини билиши; табиат оламига бўлган муносабатини аниқлаш) ларга асосланган ҳолда бир қатор топшириқлар ишлаб чиқиши вазифа сифатида белгиланди.

Паремик жанрлар маъносини тушунишини аниқлашга доир топшириқлар:

Тарбиячи томонидан топишмоқ ва эртак айтилиши, болалар томонидан бир-бирини фарқлаши.

Тарбиячи томонидан айтилган топишмоқ жавобини топа олиши, мақол ва эртаклар мазмунини тушуниши.

Болалар ўзлари топишмоқ айтишлари

Паремик жанрларнинг табиат ва экологияга оидлигини билиши:

Табиатга доир топишмоқлар билиши

Табиат ҳодисалари ҳақида топишмоқ, мақоллар билишлари

Табиат ҳодисларини тушуниб етиши

Паремик жанрлар орқали экологик тушунчаларни англаб етиши:

Топишмоқ, мақол нима ҳақида эканлигини билиш

Топишмоқда яширган табиат ва унинг ҳодисларини топиш даражасини билиш

Мақол мазмунини тушуниб етиши

Экологик маданият тушунчаларини билиши:

Экология ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш

Тушунчалар мазмунини билиши

Экологияга оид видео лавҳа кўрсатиш ва мазмунини сўраш

Табиат оламига бўлган муносабатини аниқлаш:

Табиатни ардоқлаш тушунчасини билиши

Уй ҳайвонларини яхши кўриши

Гул, дарахт, ўсимлкларга бўлган муносабатини аниқлаш

Юкоридаги мезонлар бўйича болаларнинг экологик маданият тушунчасининг ўзлаштирганлиги

юқори, ўрта, паст каби даражада баҳоланди. Ҳар бир гурух учун мазкур даражаларни қаноатлантирувчи бир қатор күрсатгичлар ишлаб чиқилди.

**Мактабгача ёшдаги болаларда паремик жанрлар воситасида экологик
маданиятни ривожлантиришнинг гурухлар кесимидағи даража ва
күрсаткичлари
(1-жадвал).**

Даража ва күрсаткичлар	Кичик гурух	Ўрта гурух	Катта гурух	Тайёрлов гурух
Юқори	Агар бола та мезон бўйича берилган 3 тадан топшириқдан энг камида 1 тасини тўла, тез ва тўғри бажарса	Бола 5 та мезон бўйича берилган 2 тадан топшириқтўла ва тўғри бажарса	Бола 5 та мезон бўйича берилган 3 тадан топшириқни ўла ва тўғри бажарса	Бола 5 та мезон бўйича берилган 3 тадан топшириқни тўлик, тўғри бажарса. маънос ини тушуниб етса
Ўрта	бала берилган топшириқни бир неча бор тақрорлаб, кўрсатмалар берилгандан сўнг 1 та топшириқни бажарса	бала топшириқларни бир неча бор тақрорлаб, кўрсатма берилгандан сўнг 2 та топшириқни бажарса	бала топшириқни бир неча бор тақрорлаб, кўрсатма берилгандан сўнг 10 та топшириқдан 6 тасини бажарса	Бола топшириқни бир неча бор тақрорлаб, кўрсатиб берилгач 10 та топшириқдан 7 тасини бажарса, ўз фикрини билдиrsa
Паст	Бола бир неча бор тақрорлаганда н сўнг ҳам кўрсатмалар берилишига қарамай 1 тадан топшириқни нисбатан тўлик бажарса	Бола бир неча бор кўрсатиб берилишига қарамай 2 та топшириқни қийинчилик билан тўлик бажарса	Бола бир неча бор тақрорий кўрсатилгандан сўнг 15 та топшириқнинг 5 тадан камини бажарса	Болага бир неча тақрорлангач ва кўрсатмалар берилганига қарамай 15 та топшириқнинг 5 тадан камини бажарилса, тенгдошларига нисбатан тўликроқ хулосалар билдиrsa

**Мактабгача таълим ташкилотларида болаларда паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантириш натижаларини аниқлашнинг даража ва кўрсаткичлари.
(2-жадвал)**

	Паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантириш натижаларини аниқлашнинг даража ва кўрсаткичлари
Кичик гурух (3-4 ёш)	Юқори: кичик ҳажмли топишмоқ ва эртаклар мазмунини тушуниб этади. Кичик ҳажмли топишмоқ айта олади. Кичик ҳажмли топишмоқ жавобини топа олади. Мушук, итни ва гулларга сув қуишини яхши кўради.

	<p>Үртма: топишмоқ, мақол ва эртакларни қизиқиб тинглайди .топишмоқ, мақол ва эртаклар мазмуни бўйича савол берилса жавоб беради.Топишмоқ нима ҳақида эканлигини билади.</p> <p>Паст: топишмоқ, мақол ва эртаклар мазмунини қисман англайди. Ўртоқларининг ёрдами билан топишмоқ жавобини топишга интилади.</p>
Ўрта гурӯҳ (4-5 ёш)	<p>Юқори: топишмоқ, эртак ва мақолларни мустақил сўзлаб бера олади. Эшитган эртаклари юзасидан саволларга жавоб беради.Эртакларни мустақил қайта сўзлаб беради. Топишмоқ мазмунини тушунади. Топишмоқ, эртак ва мақолларни дикқат билан тинглайди. Ўсимликларни парвариш қилишни яхши кўради.</p> <p>Үртма: эртак, топишмоқ ва мақолларнинг ўзига хос хуусиятларини тушуниб етади.; кичик топишмоқларни ёддан билади. Эртак, топишмоқ ва мақолларни мазмунини сўзлаб бера олади. Тарбиячи қўмаги билан табиат бурчагида меҳнат қиласди.</p> <p>Паст: топишмоқ жавобини топишда қийналади. Эртаклар мазмуни ёритишида тарбиячи ёрдамига муҳтож бўлади. Теварак –атрофга нисбатан қизиқиши бўлмайди.Тенгдошлари билан биргаликда уй ҳайвонларини ва ўсимликларни парвариш қилишга қўмаклашади.</p>
Катта гурӯҳ (5-6 ёш)	<p>Юқори: топишмоқ ва мақол ва эртакларга қизиқиш билан қарайди.Топишмоқ ва эртаклар мазмунини тушуниб етади. Топишмоқларга айниқса қизиқади. Таниш топишмоқни жавобини тез топиб, эртакларни гапира олади. Табиатдаги ўзгаришларни билади ва фарқлайди (кечча ҳаво иссқ эди, бугун бироз совуқ)</p> <p>Үртма: эртак топишмоқ, мақолларни мазменини тушунади. табиатдаги ўзгаришларни , бир биридан фарқлай олади, шуларга мос топишмоқлар билади. Сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишини билади.</p> <p>Паст: тарбиячи қўмагида топишмоқ, мақолларни мазмунини англашга ҳаракат қиласди.Эртаклар мазмунини қисман баён қила олади. Табиат ва теварак-атрофга нисбатан қизиқиши паст. Табиатдаги згиришларни чуқур англай</p>
Тайёрлов гурӯҳ (6-7 ёш)	<p>Юқори: топишмоқларни ёддан билади. Эртаклар мазмунини равон сўзлаб беради. Табиатдаги ўзгаришларни, ва шуларга мос топишмоқ билади. Ўсимлик ва ҳайвонлар парваришига қизиқади. Ўз фикрини бемалол баён қила олади. Табиатни асрараш ва сувни, электр энергияни тежаш лозимлигини англаб етади.</p> <p>Үртма: топишмоқ. мақол ва эртакларни бир-биридан фарқлайди. Топишмоқ тўқишига қизиқади. Табиат ҳақидаги сухбатларга қисман иштирок этади.Табиат ҳодисаларини қор, ёмғир ёғиши, совуқ ёки иссиқ бўлишини чақмоқ чақишини фарқлайди.</p> <p>Паст: топишмоқ,эртак ва мақоллар мазмунини чуқур англай олмайди.Топишмоқ жавобини топишда, мақоллар мазмунини тушуниб етишда қийналади. Табиат ва унинг ҳодисларига нисбатан фикрларини тўлиқ баён қилиб билмайди.</p>

Болалар фаолиятини педагогик кузатиш, амалий машғулотлар ва тажрибаларда иштирок этиш, сухбат, сўровномалар ва амалий фаолиятларга қаратилган замонавий янги технологиялар ёрдамида 3-7 ёшдаги болаларда паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантиришга оид

билим ва малакалар шакллантирилди.

Бу ишлар тадқиқот йўналиши ва дастурини белгилаш имконини берди. Паремик жанрлар воситасида болаларда экологик маданиятни ривожлантириш жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида амалий муаммоли топшириқлар мазмунини ва уларни бажариш методи, шакли ва воситалари белгиланди.

Тузилган дастур ва методик кўрсатмалар бўйича болаларни паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантириш асосида такомиллаштирилганлик даражаси тажрибадан аввалги ва кейинги статистик кўрсаткичлар билан юқорида кўрсатилган мезонлар асосида аниқланди. Тузилган саволлар мезонлар ва тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларини нобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган методлар билан “Илк қадам” Давлат ўқув дастуридаги болалар фаолиятида интеграцион ёндашув; интеграциялашган машғулотлар, сухбат ва тажрибалар, сайр ва кузатувлар асосида амалга оширилди. Бажарилган ишлар тадқиқот йўналиши ва дастурини белгилаш имконини берди.

Паремик жанрлар воситасида болаларда экологик маданиятни ривожлантириш мақсадида амалий муаммоли топшириқлар мазмунини ва уларни бажариш методи, шакли ва воситалари белгилб берилди. Натижада болаларнинг экологик маданияти ва билим савияси анча ошиди. .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

“Илк қадам” Такомиллаштирилган Давлат ўқув дастури. Тошкент. 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПФ-4312-сон қарори. Тошкент.

“Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ” Тошкент. 2018 йил

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида. Тошкент ш, 2020 йил 22 декабрь, 802-сон қарор.